Ечимини кутаётган муаммолар

# Очиқ гапни айтганда

**● Ҳар бир корхонанинг келажакдаги истиқболи у ерда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотдан олинадиган фойда асосига белгиланади. Бу албатта ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳозирги долзарб мавзу — бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги муаммодир. Шаҳримиздаги агрегат заводи директори муовини Баҳодир Обидович ПАЙЗИЕВ билан суҳбатимиз шундай бошланди.**

**— Бозор иқтисодиётига ўтиш борасида корхона олдида турган муаммолар ҳақида нима дея оласиз?**

— Гапнинг очиғи, биз ҳали бозор иқтисодиётига ўтиш учун тайёр эмасмиз. Нега? Сабаби, корхонамизга хом ашё четдан олиб келинади. Биз эса уларни тайёр маҳсулотга айлантириб берамиз. Тайёр эмасмиз деганимнинг боиси ҳали олинадиган хом ашёларнинг, ундан сўнг тайёр бўлган маҳсулотга белгиланадиган нархлар бизга аён эмас. Масалан оладиган подшипник ёки қуйма қанча бўладию, тайёр бўлган редуктор қанча бўлади буни ҳали ҳеч ким билмайди. Мана бизнинг энг асосий муаммомиз.

**— Хом ашёлар четдан олиб келинади, деяпсиз. Бунда албатта бошқа корхоналар билан шартномалар ҳам тузилса керак?**

— Ҳа, албатта. Шартномасиз иш юритиш қийин. Энг ёмони бизда аввал шартнома тузилади. Сўнг материал, хом ашё билан таъминлашга келганда бор отангга, бор онангга қабилида иш тутишади.

Ҳар йили май ойида ярмарка ўтказилади. Ана шу кўрикда асосан Савдо вазирлиги билан шартнома тузилади. Мана, 1990-91 йиллар учун тузилган шартнома асосида бизнинг талабимиз қондирилганича йўқ. Шартномага имзо қўйилгандан сўнг, узоғи билан июль ойигача бизни шартномачи материал билан таъминлаши керак.

Давлат томонидан 73 ўрнига 50 куб метр фанер берилди. Қолганини қаердан оламиз. Сўрасак ресурс йўқ, дейишади. Ваҳоланки шартнома ҳали мавжудку.

Лекин шунга қарамай шу кунгача қилган ишларимиз чакки эмас. Мана, марҳамат, режа бўлими бошлиғи Таисия Александровна Килина билан суҳбатлашиб кўринг.

**— Таисия Александровна, ишлаб чиқаришда ўзингизга маълум, асосан рақам сўзлайди. Режа бўлими бошлиғи сифатида бунга нима дейсиз?**

— Авваламбор ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган ишчиларимиз соғ ва саломат бўлишсин. Қолаверса, ўтган тўққиз ойлик якунига назар ташлайдиган бўлсак, шартнома асосидаги режа 100 фоизга бажарилди. Товар маҳсулотини топшириш 105,5, давлат буюртмаси 100,9, маҳсулотни реализация қилиш 103,9 фоизга адо этилди. Ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги 103,6 фоизга тенг бўлди.

**— Айтингчи, режадаги топшириқлар нималар ҳисобига бажариляпти? Ахир юқорида Баҳодир Обидович хом ашё вақтида етказиб берилмайди, деб гапирдилар-ку.**

— У кишининг гаплари тўғри. Аммо ишлаб чиқаришда бир ерда қотиб қолган бир буюм сингари қабилида иш тутиб бўлмайди. Ҳар доим изланиш ва курашиш керак. Бизда ҳам ҳозир ишчиларимиз янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланишмоқда. Улар турли маркалардаги аппаратлар ишлаб чиқаришмоқда. Бу аппаратлар сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари учун қўлланилади. Ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб мен шуни айтмоқчиманки, 1991 йил учун ҳали кўрсаткичлар белгиланмаган. Шартномалар бўйича баҳолар аниқланмаган. Маҳсулотларнинг таннархи учун қўлланмалар тузилмаган.

**— Ишчиларни рағбатлантириш борасида ҳам тўхталсангиз?**

— Бизда ҳар бир цехнинг бригадалараро, корхонанинг эса цехлараро ўзаро мусобақаси ташкил этилади. Эҳтимол бошқа корхоналарда бу нарса кўр-кўрона ташкил этилган бўлиши мумкин, аммо биздаги ғолибларга белгиланган пул мукофоти берилади ва иттифоқимиз бўйлаб беш кунлик саёҳатга юборилади ҳамда улар «Ўз касбининг устаси» номини ҳам қўлга киритадилар.

Сўнгги мусобақа якунига кўра 10-механика-йиғув цехи ҳамда 1-ёрдамчи цехлар ғолиб деб топилди. Агар ишчиларимиз билан суҳбатлашмоқчи бўлсангиз юринг, цехнинг ўзига бора қолайлик.

«Биринчи цех механиги Владимир Михайлович Стебунов», деб таништирди бизга ўзини юзида табассум билан, ўрта бўй киши.

**— Владимир Михайлович, айтингчи, ишчи бўлиб ишлаётганингиздан ўкинмайсизми?**

— Нега энди ўкинишим керак экан. Аксинча мен ўз ишимдан фахрланаман. Чунки бу ерда ишлаётганимга 28 йил бўлди. Менинг сафдошларим бу ерда жуда кўп. Фурсат келган пайтда уларни айтиб ўтмасам бўлмас. Токарь М. Черимних, чилангарлар В. Исломов, И. Ерзин, В. Евченко ҳамда хизмат кўрсатган саноат ходими, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени совриндори М. Ортиқовлардир.

**— Мана шунча йилдан бери ишлаётган экансиз, шогирдларингиз ҳам анча-мунча бўлса керак?**

— Нимасини айтасиз, бўлганда қандоқ. Бизнинг цехда ҳам, бригадада ҳам ўз касбининг усталари ишлашади. Мана шу цехдан етишиб чиққан фахрли ишчилардан «Миконд» заводи бўлим бошлиғи Валентин Жўраев, заводимизнинг техника бўлими бошлиғи Эсон Баратов, давлат қабули бўлими бошлиғи С. Хабибуллинлардир. Улардан биз, улар эса биздан миннатдор.

Умуман, ишимиз ёмон эмас. Ишчиларимизнинг ойлик маошлари 300 сўмдан зиёд. Корхонага қарашли ётоқхона бор, навбати билан уй ва дала ҳовлилари беришади.

Биз суҳбатдошлар билан мусоҳабани якунлар эканмиз, корхона ҳақида тўлиқ маълумот бердик, дея олмаймиз. Чунки, катта корхона ҳақида бир мақола билан чекланиб бўлмайди.

**Г. МАМБЕТОВА,**
**«Тошкент оқшоми» мухбири.**



● Себзор даҳасида яна бир турар жой биноси қад кўтармоқда. Уни 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-тиклаш бошқармаси қурувчилари бунёд этишаяпти. Сиз суратда улардан бир гуруҳини (чапдан) — бригадир Ф. Галулин, иш юритувчи Ҳ. Ашуров, тикловчилар А. Мартинов ва Н. Тожиевларни кўриб турибсиз.

Т. Каримов сурати.

Ҳавас қилинг...

## МЕҲР ВА ФАХР

**⊙ Неъмат Отабоев хонадони «Қизил Ўзбекистон» маҳалласида кўпчиликка яхши таниш. Албатта ибрат олса арзийдиган оила сифатида маҳалладошлар ҳурмат қилишади. Лекин бу сафар гап хонадон соҳиби Матлуба ая Ҳамидова ҳақида кетаяпти. Аяни ўзгалардан ажратиб турадиган томони йўқ, Фақат аёл учун хос бўлган фазилатларни ўзида жамлаштира олган, севимли касб-коридан ажралмай бир-биридан аҳил, одобли фарзандларни вояга етказиб пиру бадавлат бўлиб ўтирган, ниҳоят ҳавас қилса арзигулик умр кечираётган бу инсонни кўриб қаламни қўлга олишга жазм этдик.**

УНИНГ меҳрибон боқувчи кўзлари доим кулиб туради, тиниб-тинчимас қўллари эса доимо ҳаракатда. Уни ҳали ҳеч ким беиш, бекор ўтирганини учратмаган бўлса керак. Гоҳ келини Ферузанинг овқатига ёрдамлашган, гоҳ кўрпа қавишни бошлаган. Хуллас, тинчимаган аёл ўзига қаердан бўлмасин албатта бирор юмуш топиб юради.

32 йилдирки Матлуба ая кимёгарлик касбини ардоқлаб келади. Ўрта Осиё педиатрия институтига қарашли 135-дорихонада аянинг ўнлаб шогирдлари меҳнат қилишади. Унинг Неъмат ака билан бахтли умр кечираётганларига ҳам 32 йил бўлибди. Ҳам иш, ҳам болалар тарбияси, бунинг устига рўзғор ташвиши. Тўғри, кўпчилик аёллар учун бу каби турмуш юмушлари одатга айланган. Ана шундай пайтларда қайнота ва қайноналари Отабой бува билан Баҳринисо буви пешвоз чиққанликларини, ёрдам берганликларини чуқур бир меҳр ва фахр билан эсга олади. Мана фарзандлари Иқболхон, Комилжон, Олимжон, Қобилжон элда юрса эл раҳмат айтадиган бамаъни, меҳнатсевар бўлиб камол топишди.

Аянинг ҳамма аёллар сингари бўш вақтлари кам бўлсада, барибир дам олиш кунларини қандай ўтказишлари билан қизиқдик.

— Қуда анда-ю, маърака лозимандалардан ортмайман, — дейди Матлуба ая қисқа қилиб. — Уйда иккита келиним бор. Улар ҳам юмуш, бола-чақа ишларидан чарчашади.

Матлуба ая хонадонида кенжа келини Маҳфузахонни суҳбатга тортдик.

— Келин бўлиб тушганимга кўп бўлгани йўқ. Халқ хўжалиги илмгоҳида таҳсил олаяпман. Битта ўғлим бор. Бу хонадонга келиб ўзимникидан фарқ қиладиган томонига дуч келмадим. Қайнонамнинг беқиёс ёрдами, ғамхўрлиги туфайли мана ўзим севган касбнинг эгаси бўлиб қолаяпман.

Кези келганда аянинг ҳам орзу-ўйлари, ниятлари билан қизиқиб кўрдик.

— Юрт тинч бўлса, фарзандларимиз ҳаётда ўз ўрнини топиб бахтли умр кечиришса биз оналар учун шу ҳам саодат, ҳам бахт.

**Феруза ҒУЛОМОВА.**

## АҲИЛЛИК БОР ЕРДА...

**⊙ — Мана шу уй, — деди шаҳар Кенгашининг депутати Н. Ҳасанов ҳовли эшигига ўрнатилган қўнғироқ тугмасини босар экан. — Қани марҳамат. Тортинманг, ука. Адҳамжоннинг уйи ўзимникидек бўлиб қолган, — Неъмат ака кўча ҳовли эшигини ланг очиб юборди.**

**Кунгайга қаратиб солинган уйнинг атрофи чиннидай тоза, кўкка бўй чўзган ўрик, олма дарахтларидаги ғуж мевалар кўзни қамаштиради. Бизни ўрта бўй, очиқ чеҳрали киши кутиб олди.**

— АДҲАМЖОН Мирсамиқов, яъни Ҳамза район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг масъул котиби бўладилар, — деди ҳамроҳим салом-аликдан кейин.

— Келганингиз кўп яхши бўлибдида, — деди Адҳамжон ака мақсадимизни тушунгач. — Хўш, нимадан бошлайлик. Агар мендан сўрасангиз 40 йилдан бери ўқитувчилик қиламан. Бутун умримни ёш авлод тарбиясига бағишладим. Ҳозир кексалик гаштини сураяпмиз. Лекин ишга ўрганган одам уйда ўтира олмас экан. Мана икки йилдирки, район маҳаллалари бўйича котиблик қилаяпман. Маҳалла деган гап кўринишидан осойишта тилга олинса ҳам лекин унинг ғалвалари, муаммолари шунчалик кўпки, бугун бирини битказсанг, эртасига бошқаси чиқиб туради.

— Шунинг учун бу кишини уйидан топиш амри маҳол — дейди Н. Ҳасанов суҳбатга аралашиб. — Маҳалланинг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам ҳозиру нозир.

— Адҳамжон ака, кўпдан бери мени бир нарса қизиқтиради. Ҳаммамизда ҳам оила бор. Бироқ, мен шу кунгача оила харажати нима, унинг қандай муаммолари борлигини яхши билмайман. Қолаверса, иқтисодиёт шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди. Шуни шарҳлаб берсангиз. Ахир сиз ўн беш йил маҳалла қўмитаси раисининг муовини, олти йил раиси бўлиб ишлаган одамсиз. Менимча бу соҳани сиз яхши билсангиз керак.

— Ҳозирги кунда партия ва ҳукуматимиз ҳар бир оиланинг яхши яшаши учун қўшимча даромад учун имкониятлар яратиб бермоқда. Мол боқасизми, паррандачилик қиласизми? Ёки бўлмаса боғ-роғ яратасизми, ер олиб, давлатга мўл-кўл унум топширасизми... Қўйингчи шароит бор. Бу — қайта қуришнинг, ошкораликнинг шарофати. Меҳнат қил, тер тўк, бўш вақтингни бекор ўтказма. Ўзинг манфаатдор бўлсанг, давлат ҳам манфаатдор бўлади. Мана бизнинг йўлимиз.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Маҳалла ва оила ишларидан қоли чоғимда матбуот мутолаасига бериламан. «Литературная газета», «Совет Ўзбекистони, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи», «Ўқитувчилар газетаси», «Саодат», «Гулистон», «Ёшлик», «Шарқ юлдузи», «Ёш куч», «Тошкент оқшоми» рўзнома ва ойномаларига ёзилганмиз. Хуллас, ҳар йили 90-100 сўмлик обуна бўламиз. Ундан ташқари ой сайин кино, театр ва концертларга кетадиган пулимиз 50-60 сўмни ташкил этади. Бамаслаҳат кийим оламиз, уй буюмлари сотиб оламиз.

Суҳбат чоғида аста хонага кўз югуртираман. Қимматбаҳо буюмлар деярли йўқ. Бироқ борларининг ўзи киши назарини жалб қилади. Китоб жавонлари, дераза олдидаги телевизор, магнитофон, мебелдаги биллур идишлар, девордa илинган ҳазрати Навоий сиймоси ҳамма-ҳаммаси ўз ўрнида.

— Менинг фикримча, харажатлар шу оиладаги бир кишининг қўлида бўлиши керак. Бўлмаса барака бўлмайди. Оилада бирлик, интизом, ҳамкорлик, аҳиллик бўлса иш олға боради, — дейди Адҳамжон ака.

Шунинг учун ҳам маҳалла аҳли А. Мирсамиқовлар оиласини аҳил ва интизомли, тежамкор, бўш вақтини фойдали меҳнат билан ўтказадиган намунали оилалардан бири деб тушунади.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ,**
**ССЖИ Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**

## Хориждан хабарлар

### Кенгаш диққат марказида

ДАМАШҚ. Форс кўрфазидаги вазиятнинг кескинлашганлиги бу ерда Сурия, Миср ва Саудия Арабистони ташқи ишлар вазирлари ўртасида октябрь ойи охиридан буён ўтказилаётган иккинчи ёпиқ кенгашининг диққат-марказидадир.

Бу галги учрашув, Саудия Арабистони ташқи ишлар вазирлиги бошлиғи шаҳзода Саид-Ал-Файсалнинг айтишича, кўрфаз зонаси ва умуман араб дунёсидаги воқеалар ривожи борасида давом этаётган уч томонлама маслаҳатлашувлар доирасида ўтмоқда.

Миср Араб Жумҳурияти ташқи ишлар вазири И. Абдул Мажиднинг журналистларга таъкидлашича, томонларнинг Форс кўрфазидаги можаро хусусидаги нуқтаи назарлари ўхшашдир.

### Катта зилзилалардан огоҳ этиш режаси маъқулланди

САН-ФРАНЦИСКО. Калифорнияда маҳаллий маъмурларни ва аҳолини катта зилзилалардан огоҳ этишга доир АҚШнинг дастлабки муфассал режаси қўллаб-қувватланди.

Фавқулодда хизматлар бошқармаси директори ўринбосари Ричард Эндрюснинг таъкидлашича, олимлар катта зилзилалардан дарак бериши мумкин бўлган кичик зилзилаларни тез таҳлил қилишларини такомиллаштириш ишлаб чиқилаётган олдиндан огоҳлантириш системасида ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Катта фожиа юз бериши эҳтимолидан дарак берувчи ҳар бир кичик зилзиладан кейинги икки соат давомида зилзилашунослар тавсия бериб туришлари режалаштирилмоқда.

### Йигирма йилдан сўнг

ПАНАМА. Панаманинг қонун чиқарувчи ассамблеяси жума куни мамлакатда АҚШнинг тинчлик корпуси иш олиб бориши учун рухсат берувчи қарор қабул қилди. Деярли йигирма йил муқаддам генерал Омар Торрихоснинг буйруғига биноан бу ташкилот вакиллари Вашингтон фойдасига жосуслик қилаётганликда айбланиб, Панамадан чиқариб юборилган эди.

Қонун чиқарувчи ассамблеянинг бу галги қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Парламентнинг 27 аъзоси бу таклифни маъқуллади, 3 киши бетараф қолди ва Торрихос асос солган инқилобий-демократик партиянинг ассамблеядаги вакиллари бўлган олти нафар парламент аъзоси қарши чиқди. Парламентдаги оппозициячи фракция ўз нуқтаи назарини изоҳлаб, Америка махсус хизматлари тинчлик корпусидан ҳали ҳам жосуслик ва қўпорувчилик фаолиятини яширувчи «парда» сифатида фаол фойдаланиб келаётганлигини уқтирди. Инқилобий демократик фирқа вакилларининг фикрича, АҚШнинг ҳануз Панама ички ишларига аралашаётганига қарши чиқаётган жумҳурият сўл ватанпарвар кучлари унинг ана шундай объектларидан бирига айланади.



● «Бу чўлоқ — даҳо» — «Пари-матч» Кембриж дорилфунунининг профессори Стивен Хокингга бағишланган мақолани шундай сарлавҳа билан берди. Асримиз энг йирик физигининг билими сўниб бораётган танада яшамоқда, унинг соғлиғи тобора ёмонлашиб боряпти: 21 ёшида у юрган йўлида қоқиларди, 30 ёшига келиб ногиронлар аравачасига михланиб қолди, бир неча йил муқаддам унинг трахеяси кесиб ташланди ва Стивен гапириш қобилиятини йўқотди, деб ёзилади мақолада.

Ҳозир у ногиронларнинг электр аравачасида ҳаракат қила олади, экранга ёзилган матнни овозга айлантирувчи компьютер ёрдамида гапиради. Аммо бу унинг дорилфунунда лекция ўқишига халал бермайди. Стивеннинг Жейн исмли рафиқаси ва уч фарзанди бор. Касби ўқитувчи бўлган Жейн Стивен хасталикка чалинганидан бери унинг энг содиқ дўсти ва ёрдамчиси бўлиб қолган.

Хокинг 1988 йилда «Вақтнинг қисқача тарихи» китоби чоп этилганидан сўнг ғоят даражада машҳур бўлиб кетди. Мазкур китобда квантли механика ва умумий нисбийликнинг яхлит назариясини яратишга бўлган уринишлар таҳлил қилинади. У ҳеч қандай формулаларсиз, оми кишилар учун мўлжаллаб ёзилган.

**СУРАТДА: профессор Стивен Хокинг: «Мен хасталикка қарамай истаган барча нарсаларимни бажаришга муваффақ бўлдим, бу менда қониқиш ҳис-туйғусини ҳосил қилади».**

ТАСС сурати.

### Жамоат жойларида сигареталар сотиш тақиқланди

Нью-Йорк шаҳар кенгаши шаҳарнинг барча жамоат жойларида, шу жумладан, ресторанларда, театрларда, спорт комплексларида ва озиқ-овқат дўконларида сигаретлар сотадиган автоматлар ўрнатишни тақиқловчи қонун лойиҳасини маъқуллади. Фақат айрим қаҳвахоналар, барлар ва меҳмонхоналар бундан мустасно қилинди.

Қонун лойиҳаси унга Нью-Йорк ҳокими Дэвид Динкинс имзо чекиши биланоқ қонунга айланади. Илгари ашаддий кашанда бўлган шаҳар ҳокими шаҳар кенгаши жорий этган тақиқни қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Бундай тадбирлар қабул қилишдан мақсад — метро станцияларидан тортиб кичик тамаддихоналаргача барча гавжум жойларда ўрнатилган автоматлар тармоғи орқали болалар ва ўсмирлар тамаки маҳсулотларини назоратсиз сотиб олишларига барҳам беришдир.

Шу тариқа Нью-Йорк Америкадаги сигарета сотувчи автоматлар амалда бутунлай тугатиладиган дастлабки йирик шаҳар бўлади. Шу пайтга қадар АҚШдаги фақат иккита шаҳарда — Солт-лейк-сити билан Миннеаполисда шунга ўхшаш тақиқ жорий этилган эди.

(ТАСС).

Хориждан хабарлар

Шаҳар хўжалиги мавзуида

## Беш тийинга юрак ўйноғилик

**● Мушук текинга офтобга чиқадими? Агар буни электр транспортчилар ишига нисбатан олсак, «чиқади» дейиш мумкин. Чунки трамвай ва троллейбусларда текин юрувчилар кўпайиб кетди. Назоратчилар уларни ушлолмай жонлари ҳалак. Нима бўлса ҳам трамвайчиларга, троллейбусчиларга қийин. Эртаю-кеч ишлайди-ю, даромаддан дарак йўқ. Биргина ўтган ойнинг ўзида 82.362 йўловчидан 271.362 сўм жарима ундириб олинди. Лекин мақсад жарима ундириш эмас-ку. «Кимнинг аравасига тушсанг, ўшанинг ашуласини айтасан» деганларидек, паттани ўз вақтида олиш керак ёки тамғалаб олиш зарур. Ана шундагина электр транспортчиларнинг меҳнатлари қадр топади.**

**Лекин «Қарс — икки қўлдан чиқади» деган гап ҳам бор. Баъзан патта текширувчилар ҳам транспортда бепул юришга ўрганиб қолган йўловчиларни тартибга чақириш пайтида «чегарадан» чиқиб, қўполлик қилиб қўймоқдалар. Ҳаракат маромининг бузилиши натижасида салонларда йўловчилар тирбанд бўлганда ёки салон ичига ўрнатилган компостерларнинг икки хил белгилиги тортишувли вазиятни вужудга келтириб, беш тийинлик жанжалга олиб келяпти.**

Ана шуларни ўйлаб рейд бригадамиз шаҳар кезди. «Болалар дунёси», «Дўстлик» меҳмонхонаси, «Санъат саройи», «Марказий телеграф», «Хадра», «Тинчлик» бекатларида бўлдик.

...Воажаб, 18-маршрутдаги 3162-машинадан йўловчини туртиб тушган мана бу йигит қаерга шошаяпти. Назоратчилар уни зўрма-зўраки тўхтатишди.

— Паттангизни кўрсатинг, яхши йигит.

— Кечирасиз, мен «Жигули» машинасини созлайдиган устахонада ишлайман.

— Жуда яхши, паттангиз?

Орада беш тийинлик жанжал бошланди. Ўзини А. Асқаров деб таништирган, паттаси чакичланмаган бу йигитдан 3 сўм жарима ундириш ниҳоятда қийин бўлди. Енгил машиналар созлайдиган устахоналарда оддий эҳтиёт қисмлар фалон пул туради. Лекин бу паттасиз йўловчилар «Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним», дейдиганлардан чиқиб қолди. Жарима паттасини назоратчиларнинг башарасига зарда билан отиб, жуфтакни ростлаб қолди.

1243-номерли 20-троллейбус маршрутида бўлди қизиқ ҳангома. Кўпчилик ёшларнинг паттаси умуман йўқ, бориники чакичланмаган. Троллейбус деразасидан кўча чиройини томоша қилиб келаётган қизлардан назоратчилар патта сўрадилар. Икки дугона бир-бирларига «сен олмадингми?» маъносида қараб қўйишди.

— Амаки, давлат бизнинг беш тийинимизга зорми, тепамизда сим ёғочдек турибсиз?

— 3 сўмдан жарима тўлайсизлар, қизларим.

— Ўйлаб гапиряпсизми, иссиғингиз йўқми?

Тортишув бошланди. Хайрият салонда назоратчилар ёнини оладиган йўловчилар бор экан. ТошДДнинг талабалари И. Қамбарова, Д. Суяровалар жарима паттасини олиб, «бошлиқларинг олдига борамиз» дея назоратчиларга дўқ ҳам қилишди.

Талабалар шаҳарчасига қатнайдиган транспортлардаги ёшларда номуносиб одобларни кўриб ранжидик. Катталарга ҳурмат, болали, ногирон ва ёши улғайганларга жой беришни ёшларимиз наҳотки унутган бўлсалар? Уларнинг тепасида ўтиришга муҳтож йўловчилар турса ҳам бамайлихотир, атайлаб китоб ёки дафтардан кўзларини узмай кетаверадилар.

— Йигитча, сиз шу опангизга ўрнингизни бўшатиб бермайсизми?

Йигит саволимизни писанд қилмади. Назоратчини худди чўқиб олгудек чакичланган паттасини кўрсатди.

— Сизнинг паттангиз?

— Мен Москваданман.

— Жуда яхши, хуш келибсиз шаҳримизга.

Ўрта ёшли, башанг кийинган, иккита жомадонини ёнига қўйиб олган аёл Л. Брунги қўл халтасидан бир сўмни суғуриб чиқарди.

— Москвада трамвайда юкларингиз билан бепул юрасизлармӣ?..

Назоратчиларда меҳмонга нисбатан раҳм-шафқат уйғонди шекилли, юкларига эмас фақат ўзига трамвайда текин юргани учун 3 сўм жарима солдилар.

Чилонзорлик эр-хотин Кутузовлар жарима тўлаш ўрнига «Милиция чақириб, сенларни жазолайман» деб бекатни бошига кўтаришди. Тасодифни кўрингки, форма кийган ички ишлар органи ходимларининг ўзи келиб қолди. Паттасиз йўловчилар таянч пунктига «таклиф» этилганда шоша-пиша 6 сўм жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

Кира ҳақи — 5 тийинни иқтисод қиламан, деб юрак ўйноғи бўлиб кетиш қаёқдаю, паттани ўз вақтида чакичлаб хотиржам манзилга етиб олиш қайда! Ўзини «Олой» бозори новвойхонасининг ишчисиман деб таништирган О. Обидов, Ж. Обидова номидаги Тошкент тамаки фабрикасининг ходими Н. Акбарова, экскаватор заводининг шофёри Б. Данилич, 16-шаҳар касалхонасининг ҳамшираси Н. Оқиловалар текширув ишлари жараёнида транспортдан фойдаланиш қоидасига амал қилмаганликлари маълум бўлди.

Катта шаҳарларда, Тошкентда трамвай ва троллейбус хизматини такомиллаштириш иши долзарб масала. Аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга интилаётган бир пайтда, ҳар куни 350—400 минг аҳолини транспортдан бепул фойдаланиши ўта ғирромлик эмасми? Ўйлаймизки, шаҳар меҳнаткашлари ва кенг жамоатчилик бундай камчиликларни сидқидилдан бартараф этишга ҳар томонлама ёрдам берадилар.

**Х. ЖЎРАЕВ,**
**А. АКБАРОВА,**
**Т. АЛИМҚУЛОВ,**
**назоратчилар.**
**Ф. АБДУРАҲИМОВ,**
**кўп нусхали «Мотор» рўзномаси муҳаррири.**
**Т. ТОШЕВ,**
**«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.**

